



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 25 август, шанба № 132 (1146)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## УЛУГЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ЗАВОЛ КЎРМАГАЙ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОЙ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Аввало, бугунги унутилмас воқеа - халқимизнинг буюқ фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сизлар билан учрашиб турганимдан гоят мамнун эканлигимни изҳор этмоқчиман.

Хурматли юртдошлар! Бугун, Ўзбекистонимиз истиқлолининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида, Навоий номи билан аталган, бу муборак номни шараф ва ифтихор билан баланд қўтариб, эъзозлаб келаётган вилоят ва шаҳарнинг қўқ марказида буюқ бобомизнинг мухташам ҳайкали ўрнатилгани бежиз эмас, албатта. Бугунги қувончли воқеанинг иштирокчилари - бепоён саҳро бағрида Навоий ва Зарафшон, Учқудук каби шаҳарларнинг бунёд этган, олтин, кумуш, пахта, галла, қоракўл сингари ноёб бойликларнинг макони бўлган саховатли заминда яшаётган, ўз юртини обод қилиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган одамлар Навоий бобомизга бамисоли таъзим қилиб, чекиз хурмат-эҳтирomini бажо этмоқда.

Бугун барча соҳаларда - дунёда мисли йўқ конларимиз, саннат қоронгалари бўладими, бепоён пахта далалари, кенг йилвалар бўладими - ҳамма жойда фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар тилсимолида Навоий ҳавас қилган ҳаёт намуналарини кўриб турганимизда, унинг орзу-умидлари бизнинг кунларимизда рўёбга чиқаётганида ўзига хос маъно-мазмун бор.

Ушбу воқеа яна шуниси билан эътиборлики, халқимиз, миллатимизнинг буюқ инсон, улуғ мутафаккир Алишер Навоий сиймосини асрлар давомида эъзозлаб, унга изҳор этиб келаётган севги-содқатли айнан мустақил юртимизда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

табаррук номида миллий бог барпо этиб, унинг тўрида шоирга муаззам ҳайкал ўрнатганимиз бу борадаги хайрли ишларимизнинг дебюти бўлган эди.

Бугун, орадан ўн йил ўтиб, Алишер Навоий шарафига яна бир улкан ёдгорлик мажмуи бунёд қилганимиз мумтоз шоиримизга қанчалик фарзандлик муҳаббатимиз, садоқатимизнинг намоёни, десак, бу ҳам айни ҳақиқатдир.

Азиз дўстлар! Биз Навоий бобомизнинг муътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, унинг даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги хусусида фикр юритганда, нималарни назарда тутамиз? Аввало, Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюқ шахс; миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг гурури, шаънушарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни Севмас, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюқ гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан хайратга тушамиз. Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак - мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак - шоирларнинг султонидир.

га аввало Навоий асарлари билан кириб келган. Алишер Навоийнинг тарих ва башарият олдидаги улуғ хизматларидан бири шундаки, у адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарди, одамзотни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга қорлаб ўтди.

Хазрат Навоийнинг севиқли қахрамони Фарҳоднинг инсонийлик ва олижаноблик, жасорат ва матонат каби фазилатлари, тоғни кесиб, сув чиқаргани, халқнинг оғирини енгил қилиб, унинг дардига малҳам бўлгани, кўп асрлар давомида ва бугунги кунда ҳам нафақат ўзбек халқи, балки барча халқларнинг ёш авлодлари учун ибрат бўлиб, уларни эзгулик ва фидойилик руҳида тарбия

лашга кўмак бергани ва хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Азиз дўстлар! Навоий ҳазратларининг том маънода халқларвар шахс бўлгани, унинг ўлмас ғоялари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли экани айниқса аҳамиятлидир.

Агар шоир асарларини варақ-ласак, деярли ҳар саҳифасида «эл», «улус», «юрт», «райят» деган сўзларнинг «меҳр», «муруват», «оқибат», «саховат», «садқот» сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз.

Мовароуннахр заминидеги тир комил, авлиё даражасига кўтарилган бу муътабар зот халқ орасида бекиёс обрў-эътибори, нуфузи билан мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг ўзига хос қаролатиға айланган эди.

Уша даврда темурийлар салтанатида содир бўлган ҳар қандай хотинчилик ва низо, аввало, ҳазрати Навоийнинг сый-ҳаракатлари билан барҳам топгани тарихий ҳақиқатдир.

Ёки «Сади Искандарий» достонида юртига ёвуз душман бостириб келган турли миллат ва эллик вакилларининг Искандар бошчилигида бирлашиб, ёв йўлига мустаҳкам девор қуриб, унга қарши кураш олиб борганини эслайлик.

Уша даврда эл-улус ҳаётига хавф солган бало-қазолар бизнинг замонамизда ҳам террорчилик, гитхандлик, уюшган жабонотчилик, ақидапастлик каби турли кўринишларда намоён бўлиб, миллионлаб одамлар ҳаётига таҳдид солаётган экан, дунёдаги барча соф ниятли кишиларнинг ана шундай вайронкор, бузғунчи ғоялар, ёвуз кўчларга қарши бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан кураш олиб бориши, таъбир жоиз бўлса, хавфсизлик борасида Навоий орзу қилган мустаҳкам Искандар деворини барпо этиши даркор эмасми?

Муҳтарам дўстлар! Навоийнинг ўлмас асарларидаги юрт тинчлиги ва осойишталиги, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни кўчларга кўтаридан, бу ғояларни устувор инсоний қадриятлар сифатида олға сурядиган фикр ва қарашлари

биз учун айниқса қимматлидир. Улуғ аждодимиз яратган қаҳрамонлар - хитой, арман, араб, форс, юнон, хинд каби турли миллат вакилларининг эзгу мақсадлар йўлида елкадош бўлиб, қийинчилик ва синовларни биргаликда сабот билан енгиб ўтганида бугунги долғали замон учун ҳам муҳим рамзий ва амалий маъно бор.

Навоий бобомиз қуйлаган, орзу қилган халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик бугун гўзал Навоий вилоятида қарор топганига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Бир пайтлар қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи қуядиган Қизилқум саҳросини гуллаган воҳага айлантираётган сиз, азиз навоийликлар ўз олижаноб ишларингизда, аввало, Навоий даҳосидан руҳ ва илҳом, Навоий қаҳрамонларидан ўрнак ва ибрат олиб яшаётганингиз барчамизга қувонч ва ифтихор бағишлайди.

Қадрият ватандошлар! Инсонни олам гўлтожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунавар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч муҳасам.

Барчамизга ёд бўлиб кетган «Одавий эрсанг, демагит одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами» деган ҳикматли сўзлар нафақат гўзал ташбеҳ, аксинча, улуғ шоирнинг иймон-эътиқоди, фаолият мезони, ҳаёт фалсафасидир.

Азиз дўстлар, ўзингиз бир уйлаб кўринг, умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга муруват қўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприклар, бог-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳоимиси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишларида ҳар-биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор эмасми?

Ҳазрат Навоий шундай буюқ зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавий юксакликка қўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазира, илгари ҳам айтганимдек, ҳар бири-миш Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтаридан ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади. Ишончим комилки, ҳазрат Навоий даҳосига чексиз хурматимизнинг яна бир рамзи бўлмиш мана шу гўзал ёдгорлик мажмуаси ҳам шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муаззам боғни, бир-биридан кўркам мана шу иншоотларни бунёд қилишда иштирок этган меъмор муҳандисларга, қурувчиларга, бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чўқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бугун мутафаккир шоиримиз хотирасини чўқур эҳтиром билан ёд этар эканмиз, унинг буюқ даҳоси олдида яна бир бор бош эгиб таъзим қиламиз.

Ҳазрат Навоий орзу қилган осуда ҳаёт, фаровон турмуш, юксак тараққиёт юртимиз тупроғида доимо барқарор бўлсин. Ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир инсонга Навоий зиёсидан баҳраманд бўлиш насиб этсин. Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари, Навоий ибратини, Навоий руҳи бизга ҳаммаишамроҳ бўлсин.

Неча асрдикри, буюқ шоир ва улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи тилдан тушмайди. Асарлари ҳаммаишамроҳ, олам олимларининг тадқиқотларида.

Тарих улуғ инсонларни кўп қурган. Навоий эса буюқларнинг буюғи, миллат тимсолидир.

Кўбичи беркитиб бўлмаганидек, миллат йўлини ёритиб турган қалби қуёш инсонларни ҳам тарих саҳнасида, халқ хотирасида асло ўчириб бўлмайди. Нене мустабид замонлар ҳам улуғ Навоий даҳоси олдида охири қолган руст. Аммо ақин ўтмиш тажрибасидан маълумки, мустабид тузум халқнинг буюқ руҳини сўндириш учун унинг тарихида утган улуғ инсонларни бор бўй-баста билан кўрсатмасликка жад қилади. Бундай таъвоздан улуғ Навоий ҳам четда қолмади. Шаҳси, ҳаёти ва ижоди бўзиб, бир «ёклама» талқин қилинди. Нодир асарлари узиб-юлиб нашр этилди. Улуғ шоирнинг улкан меросини усталлик билан келажак авлод қалбидан беғоналаштириш, сунъий зиддиятлар тўқиб чиқариш орқали ўз сийбосига мослаб талқин этиш йўлидан борилди.

Фақат истиқлол шарофати туйғулари тарихимизда ўтган бошқа буюқ аждодларимиз сингари Алишер Навоий ҳам халқимиз кўз ўнгиде намоён бўлди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан Мустақилликимизнинг дастлабки йили овоз. Ватанимиз солномамизда Навоий йили сифатида шарофатли. Пойтахтимиз марказида Навоий номидидаги Миллий бог барпо этилди. Энг муҳими, улуғ шоир меросини бутун қўлами билан, ҳар томонлама кенг ўрганиш, бу борада тарихий адолатни қарор топтириш учун имкон яратилди. Навоий ҳар бир хонадонга чинакам маънода кириб кела бошлади.

Президентимизнинг бундан икки йил муқаддам Навоий вилоятига қилган сафари, айтиш мумкинки, улуғ бобомиз хотирасига хурмат-эҳтиром қўрсатиш солномамизда яна бир янги саҳифа очди. Давлатимиз раҳбари ушунда навоийликлар билан бўлган учрашувда, ҳадемай улуғ бобомизнинг 560 йиллик тўйи нишонланиши, шу муносабат билан шаҳарда ҳазрат номи билан аталувчи бог барпо этилиши ва улуғвор ҳайкал қад қўтариши ҳақида сўзлаган эди. Шундай эзгу ният-бугун рўёбга чиқди. Навоийда гўзал бог, қўтуғ зияратгоҳ бунёд этилди; улуғвор ҳайкал қад ростлади.

Бу хайрли ишларнинг бош ташаббускори - Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 24

август кунини боғнинг очилиш маросимида қатнашиш учун Навоий шаҳрига ташриф бурди. Муқаддам жума кунини тоғ саҳардан ҳазрат Навоий зиёратига ҳукумат, вилоят маъмурияти вакиллари, илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндалари, оқсоқоллар келди.

Халқимизнинг азалий анъанасига кўра боғда ош тортилди. Бобокалон шоиримиз ҳақиқа Қуръон тиловат қилинди. Навоийликлар ва меҳмонлар Навоий ҳайкали пойида тўпланди.

Тантанали маросимни Навоий вилояти ҳокими Ф.Дилов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари Навоийнинг номи ва ижодий мероси абадийлиги, иқтидорини эса на макон ва на замон билан чегаралаб бўлмаслигини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Жаҳон тиллари университетининг I курс талабаси Зебуносо Эсонова сўзга чиқиб, истиқлол шарофати билан Алишер Навоий юртининг ҳақиқий тилсоғлига айланганини, бу борадаги хайрли ишлар амалга ошишида Президент Ислам Каримовнинг хизматлари бекиёс эканлигини таъкидлади. Навоийлик таниқли адабиётшунос Хамид Мавлонов Амир Темирнинг қайси юрт ҳукмидори шоирларини изласа, уша юрт обод булур, деган сўзларини келтириб, илк бошдаги Соҳибқироннинг «Кўч адолатдадур» деган ақиқасини ўз сийбосига Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Шоира Наталья Панова Навоийнинг русчага ўғрилган таржибандларидан ўқиди.

Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкалини тошкентлик истеъдодли ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев меъмор Баҳром Абдуллаев ҳамда ҳайкалтарош Павел Подосинников билан ҳамкорликда ишлаган. Улуғвор ҳайкал ёнида бир ярм минг ўринли амфитеатр, спорт мажмуи, 20 гектарлик сайлгоҳу хёбонлар, ўнаб дўқонлар, табиийки, чойхона ва ошхоналар бунёд бўлди. Боғни ҳар томондан кесиб ўтган ариқчаларда Зарафшон дарёсининг шаффоф суви жиллоланади.

Шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўрнатилган «Юлдузининг тўғилиши», «Услринлик», «Ешлик» ва «Донинишманлик» деб номланган ҳайкаллар туркуми кишиний фалсафий мушоҳадага; Навоий билан тиллашушга, у босиб ўтган умр йўлини тасаввур этишга ундайди. Бу ерга келган

ёшу қарининг қалбига Фарҳоднинг жасорати, Қайснинг матонати, Баҳромнинг заковати ҳо бўлиши шубҳасиздир. Ҳазратнинг боғи ёшларимизда Навоий даҳосига интилиш уйғоти, халоллик, поклик, мардлик, меҳр-оқибат ва садоқатга ошно қилади.

Навоий ҳайкали пойида турган киши улуғворликдан, ўқилаётган шеърлардан, хайратдан маст бўлади, ён-атрофдаги фаввора-лар ясаган камалаклар эса кўнглига заррин осийиш бахш этади...

Тантанали маросим ниҳоятда Президент Ислам Каримов журналистларга интервью берди.

Бугунги воқеанинг жуда катта рамзий маъносини бор, - деди давлатимиз раҳбари. - Навоий вилоятининг олтин, қоракўли пахтаси, умуман, мамлакат иқтисодий ҳаётидаги улуғи Ўзбекистоннинг обрўсини оширмоқда. Бошқа вилоятларда маданият тараққиётини имкониятлари бу ердагига нисбатан кўпроқ, Шу маънода, мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида ортга боқиб, амалга оширилган ва амалга ошмаган ишларни виждонан сарҳисоб қилганимизда, Навоий вилояти аҳолисининг руҳини кўтариш, маънавий кўллаб-қувватлаш лозимлиги аён бўлади. Навоий номи билан аталувчи вилоятда, айни шу вилоятнинг маъмурий марказида ҳазрат боғини яратиш ва у зотга ҳайкал қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Бугун дунё хали Навоийдек шоирни кўрмаган, деб айтиш ўринлидир.

Ислам Каримов бажарилган ишлардан мамнуният билдирган ҳолда, янги бог хали тўла мукамаллик касб этмаганини, хусусан, ҳайкалнинг пойдеворини кўтариш мақсада мўвофиқ бўлишини айтди.

Навоий ҳайкали пойида гул қўйишни истаганлар тўғридан-тўғри эмас, поғона-поғона кўтарилиб бориб унга яқинлашишда чўқур рамзий маъно бор, - деди Ислам Каримов. - Ҳар бир зинага оёқ босилганда, Навоий даражасига етишга интилиш, бобокалонимизга муносиб бўлиш хисси уйғонади. Ҳайкал пойдеворини кўтаришининг яна бир муҳимлиги шундаки, киши боққа кириши биланок юксакда ҳазрат сиймосини кўриши керак. Навоийнинг улуғворлиги ҳайкал салобати тўғрисида шу ернинг ўзидека аёнлашмоғи, боққа келганлар дарвозадан кириши билан унга таъзим қилмоғи даркор.

Шу билан бирга, Навоийнинг ижодий мероси биз учун суянч, таянч, ҳар ишда маддадор эканлигини унутмаслик лозим. (Давоми 3-бетда)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш, юртимизнинг халқроқ миқёсда нуфузини ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижоди, илмий фаолияти, эл-юртга ҳалол хизмати билан обрў-эътибор қозонгани, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келган инсонларнинг эътиборига олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

(Давоми 2-3 бетларда)

# ВАТАНИНГ ЮКСАК МУЖОФОТЛАРИ

## «Ўзбекистон Республикаси санъат ароби»

**Абдуллаев Саъдулла Асадуллаевич** - Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, рангтаасирчи

**Раҳимов Ҳабибулла Ғайбуллаевич** - Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, бастакор

## «Ўзбекистон Республикаси фан ароби»

**Абдуразоқов Абдуғани** - Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудири, профессор

**Ашуров Муҳсинжон Хуррамович** - «Фонен» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик **Бушуй Анатолий Михайлович** - Самарқанд давлат чет тиллар институти «Таржима ва тиллар» кафедраси профессори

**Пратов Уктам Пратович** - Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази лаборатория мудири **Уринбоев Асом** - Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

## «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Икрамова Дилдорхан (Дилбар Икромова)** - Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актриси **Саъдуллаев Лутфулла Убайдуллаевич** - Республика ёш томошабинлар театри актриси

**Файзов Фарзиддин Зайниддинович** - Муқимий номидаги ўзбек давлат музика театри актриси **Ҳайдаров Нуриддин Исманович** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси хонандаси

## «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

**Ибрагимов Леким Хакимович** - Ўзбекистон Бадий академияси академиги, график рассом **Мирсоатов Анвар Мирзаимович** - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, манзарачи рассом

**Мухаммаднов Шомамуд Шохидович** - Ўзбекистон Бадий академияси академиги, миниатюрчи рассом **Ҳолиқов Низомиддин** - Андижон вилояти «Рассом» ижодий комбинати рассоми

## «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Бағбоев Ҳайитмат** - «Усто» бирлашмаси Хоразм вилояти бўлими ёғоч ўймаkori **Мирзаев Саидали Турсунович** - «Усто» бирлашмаси Самарқанд вилояти бўлими кошчи устаси

**Муродов Мансуржон Носирович** - «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси нақоши **Султонов Абдурахмон** - «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси таъмирчи меймони

**Усмонов Мирвоҳид Махмудович** - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор **Кодиров Набижон Улмасович** - «Хунарманд» уюшмаси Фарғона вилояти бўлими кулоли

## «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси»

**Давлатов Фарход** - Хоразм вилояти Хива тумани Дашек кишлоқ клуби бадий раҳбари **Дўмуродов Бекназар** - «Ўзтеледио» компанияси қошидаги «Маком» ансамбли хонандаси

## «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиши»

**Нарметов Рўзимбой (Қаландар баши)** - Хоразм вилояти Шовот тумани «Авазхон» дostonчилик ансамбли бадий раҳбари **Раҳимов Қаждор (Қаждор баши)** - Қашқадарь вилояти Дажнобод тумани

## «Ўзбекистон ифтихори»

**Арипов Дилшод Ҳакимжонович** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг юн-рум кураши бўйича спортчи-йуриқчиси **Мансуров Дилшод Исмоилович** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йуриқчиси

**Мухторов Дилшод Тоҳирович** - Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси **Саидов Рустам Тўхтасинович** - Марказий ҳарбий спорт клубининг бокс бўйича йуриқчиси

**Тўлаганова Ирода Ботировна** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг теннис бўйича спортчи-йуриқчиси **Усмонов Ботир Махмуджонович** - Самарқанд шаҳар республика олимпия уринбосарлари билим юрти ўқувчиси, оғир атлетика бўйича 3 карра Осиё чемпиони

**Қосимов Миржалол Қўшочиев** - Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сардори, «Крилья Советов» (Самара) футбол клуби футболчиси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Абдуллаева Юлдуз Абдурасулова** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси хонандаси **Ақромова Гулноз Қўрқасинова** - «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосаси

**Аҳмедов Уктамжон Аҳатович** - «Ўзтеледио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси **Жумаев Шариф Каримович** - Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилояти музикали драма театри актриси

**Жўрабоев Абдусамат** - Республика ёш томошабинлар театри актриси **Иброҳимов Иzzатилла Рихсатиллаевич** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Иванов Николай Владимирович** - Ўзбекистон академик рус драма театри актриси **Исроилова Хуррият** - «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси хонандаси

**Каримов Рустам Каримович** - Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актриси **Матчонов Матқуб Саъдуллаевич** - Абдор Хидоят номидаги ўзбек давлат драма театри актриси

**Миняева Динара Рауфовна** - Тошкент давлат оперетта театри актриси **Мирқурбонов Йўлдошали** - Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят музикали драма театри актриси

**Мирходиев Карим Хусанович** - «Ўзбекфильм» киностудияси актриси **Муборак Абдувоҳид** - Т.Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чогулгари оркестри яракхон созандаси

**Нурлаев Жумабой Бабаджонович** - Оғажий номидаги Хоразм вилоят музикали драма театри актриси **Олимов Авз Баҳодирович** - ИИВ Ички қўшинлар бош бошқармаси ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Раҳматова Нилуфар Эргашева** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси хонандаси **Режаматова Фотима Тўрбоевна** - Ўзбекистон Ёшлар театри актриси

**Сафаралиева Раъно Бахтияровна** - «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосаси **Содиқов Тоҳир Баҳромжонович** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси «Болалар» гуруҳи хонандаси

**Сулaimоновна Гулбахор Омонова** - «Ўзтеледио» компанияси миллий эстрада оркестри хонандаси **Тўхтаев Ҳамид Воҳидович** - Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали театр актриси

**Халилова Ойгул Темировна** - Қарши шаҳар «Эски маъит» театр-студияси актриси **Халиқов Асатилло Убайдуллаевич** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси Сирдарё вилоят бўлими хонандаси **Хуррамов Мансур** - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик кат-

та театри опера хонандаси **Шокиров Маҳаммадjon Зиятдинович** - «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси созандаси

**Юнусов Ҳабибулло** - Бобур номидаги Андижон вилоят музикали драма театри актриси **Қайтаров Эркин** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси Самарқанд вилоят бўлими хонандаси

**Қаҳҳоров Эркин** - «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси балетмейстери **Қосимов Аббос Раҳматович** - «Аббос» миллий халқ чогулгари ансамбли созандаси

**Ғаниев Анваржон Жумабоевич** - «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси хонандаси **Ғуломова Саодат Муродовна** - С.Айни номидаги Бухоро вилоят музикали драма театри актриси

**Ҳасанова Нозима** - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Абдусаматов Абдулатип** - Тошкент давлат аграр университети «Кимё ва биокимё» кафедраси профессори **Абралов Махмуд Абралович** - Тошкент давлат техника университети «Пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари» кафедраси мудири

**Алимов Ибрагим Абдуғапарович** - Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири **Арипов Назиржон Мукаррамович** - Фарғона политехника институти «Электр юритми» кафедраси мудири

**Бекчанов Нариман Каримович** - Хоразм вилояти Урганч тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори **Грушевский Александр Васильевич** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг шахмат бўйича мураббийси

**Жумаев Чори Жумаевич** - Сурхондарё вилояти Термиз иқтисодий коллежи директори **Ирискулов Мухаммадхас** - Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети «Тил ўқитиш маркази» директори

**Исмоилов Шоанвар Шогийсович** - Тошкент Ислон университети жисмоний тарбия кафедраси мудири **Қарабоков Мубарек** - Қорақалпоғистон давлат университети «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» кафедраси доценти

**Кеворкова Инна Александровна** - Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси **Мадиримова Моҳира Сааматовна** - Самарқанд давлат университети «Миллий истиқлол госянини ўрганиш ва тарғибот қилиш» маркази раҳбари

**Мирзаев Одижон** - Андижон кишлоқ ҳўжалик институти «Усимлиқшунослик» кафедраси мудири **Муродов Шонасир** - Ўзбекистон Бадий академияси тасвирий ва амалий санъат касб-хўнар коллежи директори

**Сотликов Абдулло Янгибоевич** - Урганч давлат университети «Демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти **Таджибаев Қулдўшбай** - Фарғона вилояти Кўкўн шаҳар болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори

**Таджибаев Шакир Заидович** - Тошкент электротехника алоқа институти «Телевизион ва радиоэшиттириш» кафедраси доценти **Тоҳиров Мухаммадали** - Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти кафедра мудири

**Тўйчиев Қодиржон** - Наманган вилояти Тўрақўрғон агроиктисодий касб-хўнар коллежи ўқитувчиси **Убайдуллаев Абдуманон** - Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти кафедра мудири

**Умиров Сайди** - Жаҳон тиллари университети халқор журналистика факультети доценти **Худойбердиев Ахмад** - Бухоро вилояти болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

**Хўназаров Тўлқин Пардаевич** - Қашқадарь ви-

лояти Яққабоб туман болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

**Шагибалиева Кавсар Курбанғалиевна** - Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли республика хўнар техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими устаси

**Қосимов Анвар** - Тошкент давлат шарқшунослик институти «Сибсатшунослик ва ҳуқуқ» кафедраси профессори **Қўчқоров Бахтиёр Науруллаевич** - Қорақалпоғистон Республикаси Миллий Кураш федерацияси президенти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Абдуразоқов Абдуқоли** - «Хуқуқ» газетаси ва «Конун ҳимоясида» бирлашган тахририяти бош муҳаррири **Муслимов Марҳамат** - «Сихат-саломатлик» журналы бош муҳаррири ўринбосари

**Номозов Ортикали** - «Кишлоқ ҳаёти» газетасининг Наманган вилояти муҳбири **Норқобилов Норқўчор Раҳматович (Қўчор Норқобил)** - «Ўзбекистон овози» газетасининг сибсат бўлими муҳаррири

**Расулов Фаррух Ҳамидович** - «Ўзтеледио» компанияси «Аҳборот» дирекцияси шарҳловчиси **Қаршибоев Муртаза Маматқулович** - Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, журналист

**Қурбонбоев Фарход Абдуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот қотиби хизмати фотомухбири

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»

**Адиллов Ғайрат Тўшаевич** - Фанлар академияси «Физика-Қўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти лаборатория мудири

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Абдуғапарова Умида Муратовна (Умида Абдуазимова)** - «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири, шоира **Абдураҳманов Абдурахмон** - Қарши шаҳар «Мулоқот» театр-студияси бадий раҳбари

**Ахмадалиев Турсунали** - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом, Фарғона вилояти **Даулетмуратовна Тамара Турдумуратовна** - Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазири

**Ёқубхўжаев Анвар Бўриевич** - «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компанияси мутахассиси **Йўлдошев Муслимбек** - «Ўзтеледио» компанияси Ўзбекистон телевидениеси директори

**Каприелов Сергей Сергеевич** - Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри режиссёри **Каримова Дилорам Маликовна** - «Ўзтеледио» компанияси «Мазнавий» бош муҳарририят режиссёри

**Қодзаева Людмила** - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос **Маминова Ирина Закировна** - Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонаси директори ўринбосари

**Мирзаев Рустам Олимович** - «Ўқитувчи» нашриёти директори **Мухамедова Мапура Насриддиновна** - «Ўзтеледио» компанияси Ўзбекистон радиоси «Музыка» бош муҳарририятининг катта муҳаррири

**Расулов Саидабзал Азимович** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот қотиби хизмати телеоператори **Саидов Назиржон Шамсутдинович** - «Андижоннома» - «Андижоннинг правда» газеталари бош муҳаррири **Турсунов Раҳмат** - Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат

маданият институти кафедра мудири, профессор **Тўлахўжаев Нозим Туробович** - «Ўзбекфильм» киностудияси кинорежиссёри **Узоқова Карима Қобуловна** - Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Хўжаев Абдумавлон Абдураҳмонович** - Абдулла Қаждор номидаги республика сатира театри бадий раҳбари

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Денисова Галина Александровна** - Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт санитария бирлашмаси 1-марказий поликлиникаси шифокори

**Долженко Зоя Гавриловна** - Ўзбекистон қўзи оғизлар жамияти тасарруфиди Янгийўл юрак-асаб касалликлари сихаттохи шифокори

**Маннов Самук** - Республика иқтисодлашган жаррохлик тиббий маркази шифокори **Тошболатева Дилором Адхамовна** - Фарғона вилояти Фарғона тумани «Шохимардон» кишлоқ врачлик пункти мудири

**Уринбоев Иброҳим Зайлиевич** - Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи **Қурбонов Джаҳонгир Джалалович** - Ақшукерлик дијаеология илмий-текшириш институти директори

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Абдуллаев Шухрат Пулатович** - Андижон вилояти 2-болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси

**Дехканов Ҳамид Хошимович** - Фарғона вилояти болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси

**Каримов Мухаммадали Абдуғаниевич** - Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси бош қотиби, Ўзбекистон Бокс федерацияси вице-президенти

**Пўлатов Фазлиддин Муҳиддинович** - Самбо бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бош мураббийси **Ғуломов Тоҳир Исоқович** - Бухоро шаҳар спорт интернатининг юн-рум кураши бўйича мураббийси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Квятковская Елена Борисовна** - Халқор тоифадаги спорт устаси, енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони **Латипов Латиф Ахмад-жонович** - Халқор тоифадаги спорт устаси, икки карра Осиё чемпиони

**Перелелова Любовь Геннадьевна** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби хизматчиси

**Ряхов Антон Иванович** - Халқор тоифадаги спорт устаси, байдарка ва каноеда шакс эшиш бўйича Осиё чемпиони **Турдиев Жаҳонгир Отабекович** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг юн-рум кураши бўйича спортчи-йуриқчиси

**Халилов Игорь Вячеславович** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг оғир атлетика бўйича спортчи-йуриқчиси **Хилько Екатерина Викторовна** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг трамплин бўйича спортчи-йуриқчиси

**Ходжаев Шухрат Хуршидович** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг самбо бўйича мураббийси **Хўсанов Шерзод Олимович** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг бокс бўйича спортчи-йуриқчиси **Қаландаров Азамат-Али Дўстмуратович** - Халқор тоифадаги спорт устаси, каратэ бўйича жаҳон кубоги голиби

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Убайдуллаев Ҳабибулло** - Наманган вилояти Ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси бошлиғи **Усмонов Убайдулла Абдуҷалилович** - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази раҳбарининг ўринбосари

**Халқимизнинг илмий-таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари, истиқлолни мустаҳкамлаш, ҳамда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўлган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Буюк хизматлари учун» ордени билан

**Ртвеладзе Эдуард Васильевич** - Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, академик **Қобулова Саодат** - Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори

**Хошимов Ўткир** - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва аҳборот кўмитаси раиси, ёзувчи

## «Эл-юрт хурмати» ордени билан

**Иноғомов Ғофур** - Т.Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чогулгари оркестри созандаси **Миразизов Қўчор Жўраевич** - Биринчи Тошкент тиббиёт институти отоларингология кафедраси профессори

**Саидқосимов Пўлат** - Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актриси **Самадов Маҳид** - Меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Тошкент вилояти

**Томиров Мирзо Ҳакимович** - Т.Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чогулгари оркестри раҳбари, профессор **Ходжаев Шакир** - Хоразм вилояти шошилч тиббий ёрдам маркази санавация бўлими мудири

**Хўжаева Лола Аъзамовна** - Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори **Чагаев Руслан Шамилевич** - Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг бокс бўйича спортчи-йуриқчиси

**Ғойилов Турғунбой** - Ёзувчи **«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Абдурасулов Ҳайитмат (Ҳайитмат Расул)** - «Ўзбектеатр» бирлашмаси репертуар бўлими раҳбари **Абдураҳмонова Дилбар Ғуломовна** - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри режиссёри

**Абдуқошов Мелис Набиевич** - Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг «Радиопрепарат» корхонаси директори **Азизов Турғун Турсунович** - Ўзбекистон халқ артисти

**Алиев Бахтиёр Тошкентбаевич** - «Баҳор» ансамбли музика раҳбари **Алимуҳжаева Чаман Раҳимовна** - Республика енгил сановат касб-хўнар лицейи жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Ахмедходжаев Саидбо-тир Саидғаниевич** - «Ўзтеледио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссёри **Аширова Моҳина** - «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг Маданият ва санъат илмий тахририяти мудири

**Ахмедова Кароматхон** - Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят музикали драма театри актриси **Базарова Саодат Жамолловна** - Навоий давлат кончилиқ институти «Умумий физика» кафедраси мудири

**Баҳромов Икром** - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаасирчи **Бошқоров Шароф** - Драматург

**Девонов Санъат** - Ўзбекистон халқ артисти **Жабборов Илҳом** - Ўзбекистон Бадий академияси академиги, хайкалтарош **Забихуллаев Рамизулло Носирович** - Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсия таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

**Исмоилова Мунира** - Тошкент вилояти марказий касалхонаси поликлиникаси бўлими мудири **Мавлонов Султон Назарович** - «Бухорокиновидео» акциядорлик бирлашмаси раиси

**Мадрохимов Боҳодир** - Андижон вилояти Шаҳрихон тумани марказий шифохонаси юкумли касалликлар бўлими шифокори **Мадрохимова Насибалхон** - Республика ўқувчилар саройининг «Юлдуз» рақс ансамбли бадий раҳбари

**Мукминова Розия Галиевна** - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти етакчи



Ташаббус

# ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

**Ўша куни вилоят касаб уюшмалари Кенгаши биноси ва унинг ён-атрофи байрам тусини олди. Хаммаёқ озода, тартибли, сувлар сепилган, кўзга кўринарли жойда миллий байроғимиз, Давлат герби, Кенгаш биносида ташкил этилган «Истиқлол сарчашмалари» китоблар кўргазмаси, «Истиқлол жилвалари» тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.**

Биринчи кўргазмага вилоят ёзувчи ва шоирлари қаламига мансуб асарлардан намуналар кўйилган бўлса, иккинчи кўргазмадан тасвирий ва амалий санъат асарлари жой олди. Улар орасидан расом, Ўзбекистон халқ устаси Аскарбек Акпаров, расом, миниатюра устаси Аъзамжон Валиев, миллий атлас тўкувчи уста Латифжон Аҳмаджонов, безакли зардузи либослар устаси Ёқутхон Тошмадова, кўғирчоқлар тикувчи уста Саида Халитова, пичоқчи уста Турдали Хабибов, дўппидўз Бахринисо Шарипова, кўлол Ваҳобжон Буваевлар меҳнатига мансуб асарлар айниқса

Хонандалардан Муҳаммаджон Нуриддинов, Шавкат Турғунов, Даврон Муллажонов, Меҳри Абдуллаева, Маҳмуджон Шорахимова, Қобил Абдураимов, Хусанбой Рахимов, Маъруфжон Орипов, Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиевларнинг чқиш-

кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси билан танишган тадбир катнашчилари ниҳоят мажлислар залига тақлиф этилдилар. Бу ерда «Кўшигимдасан, Ватан» деб номланган вилоят санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти тайёрланган эди. Концерт бошланишидан олдин вилоят касаб уюшмалари кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов тадбир иштирокчиларини яқинлашиб келатган Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик байрами билан кизгин табриклади. Шундан кейин вилоят санъат усталари ва ёш ижрочиларининг чиқишлари бошланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## Анъанавий турнир ГОЛИБЛАР БОКУДА УЧРАШАДИ

Жаҳон чемпиони, машҳур «чарм кўлқоп» устаси, ватандошимиз Руфат Рисқиев соврини учун анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бокс турнирида бу йил икки юздан зиёд ёш боксчилар голиблик учун кураш олиб бордилар. Эътиборли томони шундаки, бу йилги турнирда Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан ҳам боксчилар иштирок этишди. Бу турнирнинг халқаро мақом касб этаётганлиги, нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Катта муваффақият билан яқунланган мусобақа сўнггида турнирнинг голиб ва совриндорлари аниқлаб олинди. Улар энди Бокуда бўлиб ўтадиган бокс бўйича жаҳон чемпионатида қатнашадилар.



### Бу турфа олам

**Инсон боласининг тили чиқиб, ота, она ва зарур бошқа сўзларни ўргангач, унга санашни ўргатишади. Олдин 10 гача, кейин 100 гача ва ҳоказо. Бошида санаш болага тартиб номерни аниқлаб, ёки қанча, нечта, кўп, оз саволларига жавоб берса, кейинчалик у хаётий тартиб ва режа билан юритиш имконига эга бўлади.**

Рақамлар кўп. Лекин уларнинг отаси бўлмаса, биринчи навбатда тоғалари билан маслаҳат қилинади ва улар ҳамма ишда бош-қош бўлишади. Эҳтимолки, ана шу яқинлики назарда тутиб, бир тоға етти ота ўрнини босади, дейишар. Лекин нега етти отани? Қизиқ-а!

Турли мусиқа ёки кўшиқни тинглаганда, биз жуда кўп овозни эшитамиз ва хулоса қиламизки, қанча ижрочи бўлса, шунча товуш бор деб. Лекин, ҳақиқатда бундай эмас. Бир автавада етти парда (нота) бор: до ре ми фа сол ля си. Ҳар қандай мусиқа ижроси ёки тақдим этиладиган кўшиқ (биринчи ёки иккинчи ав-

# ШАНЪА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## Маърифат зиёси НОДИР ТОПИЛМА



Бухородаги Абу Али ибн Сино номидаги илмий кутубхона мамлакатимиздаги энг йирик зиё масканларидан саналади. Бу ерда ҳар куни минглаб китобхонлар маърифат ёғдуларидан баҳраманд бўладилар. Уларнинг орасида мактаб ўқувчиларидан, олим уфозало, ишчию турли касб-

даги кишилар бор. 300 мингдан ортиқ китоб фондига эга кутубхона ҳаммаша ёшлар билан гавжум. 15 йилдирки, кутубхонага Мамлакат Самадова моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келатир. Опанинг саъй-ҳаракатлари билан китоблар фонди узлуксиз равишда қўпайиб бормоқда. Ҳатто, кўплаб янги бўлимларнинг очилишида ҳам ташаббускор бу аёлнинг муносиб улуши, хизматлари бор.

Шарқ адабиёти бўлими фаолиятини бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа фурсатда бу ерда 800 дан зиёд нодир кўлзма ва тошъзма асарлар тўпланди. Уларнинг орасида Сиз суратда кўриб турган Қуръон алоҳида аҳамиятга эга. Бу нодир кўлзма XVIII асрда бухоролик машойихлар томонидан яратилган.

**Суратда: бўлим кутубхоначиси Рамадон Борзоргул Ҳасанов ва ҳамма бахшанда Гаффаровлар нодир кўлзмами кўздан кечиришга тайин.**

### НИМ ТАБАССУМ

Ружий хасталикка чалинган бемор кўлида зонтик билан иккинчи қаваатдан зина бўйлаб юқорига кўтарилаётди. Врач уни тўхтатиб сўради: — Йўл бўлсин, қайқас?

— Тўртинчи қаваатга чиқиб ўзимни ерга ташламоқчиман, — жавоб қилди у.

— Ундай бўлса шу жойдан ташлайвер, балки каттиқ тушмасан.

— Ҳо, парашютим очилмай қолсинми, — деди бемор зонтигини кўрсатиб.

### Ҳикматлар сандигидан СЎЗГА ЭЪТИБОР

Ҳар бир сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Уйламасдан сўзлаган пушаймон бўлмагилар.

Илгари уйлаш — бир навъ кароматдир. Ҳар қандай сўзни эшитишдан сиқилма. У сўз ишинга хоҳ ярасин, хоҳ ярамасин, уни эшит, токи сенинг учун сўз эшиги ёпилиб қолмасин ва сўзнинг фойдаси тамом бўлмасин.

Совуқ сўз сўзлама. Совуқ сўз бир уруғ, ундан душманлик ҳосил бўлади.

Ҳар қанча доно бўлсанг ҳам, ўзингни нодон тутгил, токи сенга илм ўрганиш эшиги очик бўлгил. Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир. Амалдорлар билан амалдорлардек, оддий одамлар билан оддий одамлардек сўзлашгил, (бундай вақтда ҳам) донишмандлик чегарасидан чиқма, сенинг сўзинг эшитган кишига оғир туолмасин, (агар шундай бўлмаса) сенинг сўзингни ҳужжат ва далил билан ҳам эшитмайдилар, (бундай вақтда) уларнинг розилигига қараб сўзлагил, (шу билан сен ўша шароитдан) саломат қоласан.

(«Кобуснома»дан).

\*\*\*

Тоғдан шаҳарга тушиб адашиб қолган йигит такси ҳайдовчисига илтимос қилди: — Шундоққина Паркентдан ўтиб, Сўқоққа борган мени айтсангиз каттаю кичик уйимни кўрсатиб беради. Отимни олиб келсангиз, миниб кишлоққа етиб олардим.

— От овора, такси овора қилмай ўзингизни элтиб қўяқолай.

— Йўқ, бўлмайди, менга от арзонга тушади, — деди қайсар йигит.


\*\*\*

Кучадан хуноб бўлиб қайтган эр хотинини койиди: — Минг марта айтганман, тугмача-пугмачага қадаб қўй, деб.

— Эрта билан қадаб бергандим-ку қўйлагингизнинг тугмасини, — ўзини оқлади хотин.

— Шимининг чўнтагини ким тикади, — деди пўнгилаб эр. — Олдинда бораётган бир киши пулини тушириб қўйганди. Ердан олиб... чўнтагимга солиб қўйдим. Мана ҳозир қарасам, пул йўқ. Чўнтагим йиртиқ экан...

## КРОССВОРД



**ЭНИГА:** 1.Совга. 4.Ов ити. 6.Шойи газлама тури. 10.Газ модда. 13.Мусикали санъат соҳаси. 17.Дезинфекция қилувчи, ўткир ҳидли дори. 18.Озарбайжон ёзувчиси, «Қилич ва қалам» тарихий романи муаллифи. 19.Турли масалаларда ўтказиладиган баҳс. 20.Электротехник ва радиотехник номи билан аталувчи, магнит индукцияси бирлиги. 21.Назмий асар ижодкори. 22.Сунъий тола. 23.Ушбуўй суюқлик. 24.Миллий таом. 27.Қишлоқ хўжалиги ва бинокорлик техникаси. 28.Хурмат, иззат. 30.Марказий Осиёдаги республика. 32.Баҳор гули. 37.Тоғ атиргули. 41.Алишер Навоий достонидаги вафодор ёр сиймоси. 43.Усимликларни ўргатувчи фан. 46.Бозорлардаги савдо қатори. 47.Юксалиш, тарққиёт. 48.Пойгадаги сўнги нукта. 49.Дарахзор маскан. 51.Спортча сузиш тури. 53.Автомобил қисми. 55.Усимлик таркибидаги ширин модда. 56.Нашрга аввалдан аъзо бўлиш. 57.Мураккаб қурилмаларни бошқарувчи мутахассис. 59.Қадимий илмгоҳ. 62.Таом. 64.Сирдарёнинг ўрта оқимидаги тарихий шаҳар. 65.Майнодош сўзлар. 72.Математик сифатида ишлатиладиган юноча ҳарф. 73.Ой номи. 74.Мусиқа асари, кўшиқ. 76.Дунё. 77.Хона жиҳози. 80.Таомга ишлатиладиган экинлар мажмуи. 81.Чеварликдаги хавфсизлик воситаси. 82.Мусиқа асари ижодкори. 83.Воқеа-ҳодиса, фикр-мулоҳазанинг ифодаси. 84.Уруғи таомга лаззат берувчи ўсимлик. 85.Футбол бўйича жаҳоннинг 1998 йилги чемпиони. 87.Ҳизмат, иш учун бериладиган ҳақ.

**БҮЙИГА:** 2.Физик ўлчов асбоби. 3.Сирланчқ йўли. 4.Тўқимачилик ашёси. 5.Қадимий хиёсон. 7.Афсонавий улкан илон. 8.Киноат жисмининг ҳаракат йўли. 9.Ўқустистондаги тоғлик. 11.Юк ташишда фойдаланиладиган анжом. 12.Харбий техника. 13.Асбоби электр тармоғига улаш мосламаси. 14.Бинокорлик. 15.Йўл иншооти. 16.Ёпиқ эгри чизиқ. 25.Дурадгорлик асбоби. 26.Қуруқ мева. 27.Сутка қисми. 29.Муқаддас даргоҳ. 31.Тутқун, банди. 33.Яқин киши. 34.Цирқ артисти. 35.Ўзбек халқ достони. 36.Сув кучи билан ишловчи тегирмон. 38.Қўлда тўқилган газлама. 39.Германияда 100 пфеннинг. 40.«Чархпалак» фильми персонажи. 42.Бирор нарса тўғрисидаги шов-шувли хабар. 44.Мўйнали жонивор. 45.Япониядаги йирик шаҳар. 50.Миллий таом. 52.Қарбонат кислотанинг натрийли тузи. 53.Пойга автомобили. 54.Металл. 55.Пул бирлиги. 58.Кичик Осиёнинг ўрта Шарқдаги қадимий номи. 60.АҚШ жанубидаги штат. 61.Рўза ойи. 63.Ойнадан қилинган рангли сурат, нақш. 65.Вақтинча сақлаб бериш учун олинган нарса. 67.Тожикистондаги шифобахш маъдан суви маскан. 68.Москва вилоятидаги тўқимачилар шаҳри. 69.Махсулот айирбошлаш савдоси. 70.Хушманзара, кўркам жой. 71.Углероднинг яна бир номи. 74.Самолётлар сақланган ва таъмирлангандаги анжом. 75.Қувлик-шумликдан беғона киши. 78.Ўзбек шоири номидан. 79.Ўз касбининг моҳир ижроси.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78, 136-58-45;  
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21 00  
Топширилди 23.40

Максилламини: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 2624. 1 2 3 4 5 6